


“КЕЛИШИЛДИ”

«Кўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚК
Бош директорнинг инвестиция
масалалари буйича ўринбосари

Ш. Юлдашев
“ ” _____ **2022 йил**

“Тасдиқлайман”

«Кўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚК
Бош директори


Ж.И. Мустафаев
_____ **2022 йил**



Қорақалпоғистон Республикаси Қунғирот тумани “Елабод” посёлкаси
“Янги Ўзбекистон” массивида 5 қаватли 30 хонадонли 2 та, 5 қаватли
24 хонадонли 2 та, 5 қаватли 20 хонадонли 6 та турар жойлар қурилиши.

ТЕНДЕР ХУЖЖАТИ

“КИРИТИЛДИ”

«Кўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚК
Капитал қурилиш бўлими бошлиғи

С. Хожанов
“ ” _____ **2022 йил**

2022 йил

НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ

(иштирокчиларга тендер ҳужжати таркибида тақдим этилмайди)

ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИ

УМУМИЙ ҚИСМ

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

ТЕНДЕР ЎТКАЗИШ ОРҚАЛИ ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ
АНИҚЛАШ СХЕМАСИ

ТЕХНИК ҚИСМ

ФИЗИК ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

ТИЖОРАТ ҚИСМИ

БУЮРТМАЧИНИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ

ҚУРИЛИШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ

ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

“Кунғирот сода заводи” масуляти чекланган жамияти қўшма кархонаси тендерда иштирок этишга иштирокчиларни таклиф этади ва қуйидаги объект бўйича тендер таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: **Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот тумани “Елабод” посёлкаси “Янги Ўзбекистон” массивида 5 қаватли 30 хонадонли 2 та, 5 қаватли 24 хонадонли 2 та, 5 қаватли 20 хонадонли 6 та турар жойлар қурилиши.**

Объектнинг бошланғич нархи – 65 152 143,0 минг сум ҚҚС билан ҳисоблаганда.

Ишларни тугаллаш муддати – 180 кун.

Буюртмачи: **“Кунғирот сода заводи” маъсуляти чекланган жамияти қўшма кархонаси**

Манзил: **Қорақалпоғистон Республикаси Кунғирот тумани “Елабод” посёлкаси тел. (95) 601 30 05**

Объектни молиялаштириш манбаси: **“Кунғирот сода заводи” масуляти чекланган жамияти қўшма кархонаси** ҳисобидан амалга оширилади.

Таклиф этилган шартлар бўйича тендерда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари (шунингдек, икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали)) иштирок этишлари мумкин.

Тендерда иштирок этиш учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- фуқаролик-муомала лаёқатли ваколатлари ва шартнома тузиш ваколоти борлиги;
- кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун «ССС» ва ундан юқори рейтингга эга бўлган қурилиш ташкилотларига қатнашишига рухсат этилади;
- тендер предмети қийматининг 20% миқдордаги айланма маблағлари маълумотномаси ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш ҳақидаги банк қафолати мавжудлиги;
- доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши шарт;
- ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар ҳамда кичик механизация воситаларига эга бўлиши шарт;
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);
- тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);
- тендер объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
- бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш шарт;
- тузилган пудрат шартномаларига мувофиқ, қурилишнинг буюртмачиси ва фойдаланиш ташкилотларининг хулосалари билан тасдиқланган шахарсозлик, санитария нормалари ва қоидалари, белгиланган муддатларга риоя қилиш ва бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини таъминланиши, бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар;
- устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Агар тендерни предмети бўлган иш (хизмат) ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензияланиши зарур бўлса, тендерда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги иштирокчиларга тендер жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
- ҳисоб рақамида солиқдан қарздорлиги мавжуд ташкилотлар,

- мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Тендер таклифини тайёрлаш ва такдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар тендер иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Тендер иштирокчилари танишиб чиқиш ва тендер таклифини тузиш мақсадида, тендер предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни такдим этилиши ҳақида тендер ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки тендер ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты)ни тендер иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок такдим этишга мажбур.

Таклифларни топшириш тендер иштирокчисининг тендер ҳужжатларида кўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

/ Буюртмачи ташкилот раҳбари:




Ж. И. Мустафаев




A. S. Abdullayev

М. А. А. А.
М. А. А.

П. А. А. А.



О. К. А. А.



Ю. П. А. А.



С. М. А. А.

С. М. А. А.

100

ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи – тендер ахборот жадвали (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) ТАЖда кўрсатилган объект бўйича тендер эълон қилади.

1.2. Тендернинг тури – ёпиқ тендер, агар ТАЖда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

1.3. Ишлар тендер ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий пудрат шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4. Қурилиш ишлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари, қурилиш материаллари, ёқилғи, жиҳозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутди.

1.5. Тендер ҳужжатлари белгиланган тартибда техник иқтисодий асослар ёки техник-иқтисодий ҳисоб-китоб асосида ишлаб чиқилса ва буюртмачи объектнинг кейинги босқичлари экспертизасини ишлаб чиқиш ва ўтказишни пудратчига топширишни режалаштирса, бу ҳақда ТАЖда кўрсатилиши лозим. Бунда ишлар маълумотини пудратчи ўзининг тендер таклифининг қийматига киритиши керак.

II. ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу тендер ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 3 июлдаги 302 - сон қарорининг талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм тендер иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани (критерия), шакл ва иловалар қўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.3. Техник қисм:

буюртмачи томонидан тасдиқланган қиймати киритилмаган физик иш ҳажмлари рўйхати; жиҳозлар, материал ва конструкциялар буюртмасининг тўлиқ рўйхатидан иборат.

Изоҳ: *Лойиҳанинг хусусиятига қараб техникавий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.*

III. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур объект бўйича тендерда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари тендернинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Иштирокчи тендерда иштирок этиш учун тендер ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур йўриқноманинг VII боби талабларига биноан тендер таклифини тақдим этиши лозим.

3.3. Иштирокчи ўзининг тендер таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, тендер ташкилотчиси ва тендер комиссияси тендер натижаларидан қатъи назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) тендер ҳужжатида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

IV. ТЕНДЕР ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ

4.1. Тендер хужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш улар буюртмачи, тендер ташкилотчисининг шахсий ташаббуси билан ёки тендер иштирокчисининг сўровига жавобан амалга оширилмайди.

4.2. Тендер иштирокчилари ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун хабарнома юбориш ёки оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътироз учун асос бўла олмайди.

4.3. Тендер иштирокчиларига ўз таклифларига ўзгартиришлар киритиш учун зарур вақт тақдим этиш мақсадида ташкилотчи тендер комиссияси билан келишилган ҳолда мазкур йўриқноманинг XIII бобига мувофиқ таклифлар тақдим этади ва муддатини узайтириши мумкин эмас.

V. ХУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Тендер иштирокчилари тендер ва лойиҳа хужжатларини ўрганиб чиқишлари керак, тендер иштирокчилари танишиб чиқиш мақсадида тендер предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари) ни буюртмачи ёки тендер ташкилотчиси томонидан тақдим этилиши ҳақида муурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Шунингдек, буюртмачи ёки тендер ташкилотчиси лойиҳа хужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианты) ни тендер иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок тақдим этишга мажбур.

5.2. Тендер иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини, мавжуд бино ва иншоотларни бориб кўришлари, жойнинг ўзида лойиҳа-смета хужжатларини ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топишириш тендер иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

VI. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Тендер иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, тендерга оид барча хабарномалар ва хужжатлар, тендер иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Тендер иштирокчиси томонидан тайёрланган тендер таклифида, унга оид барча хабарномалар ва хужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Иштирокчи тендер таклифини мазкур тендер хужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва тендер хужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, иштирокчи тендер таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Иштирокчи ўз тендер таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

VII. ТЕНДЕР ТАКЛИФИ НАРХИ

7.1. Ишларнинг қиймати критерияда кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар иштирокчи таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Тендер иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниқлашда оралиқ суммалар жамланади. Иштирокчилар пудрат ишлари тендерда иштирок этаётганда объектнинг таклиф этилаётган қийматини, қурилиш-монтаж

ишларининг шартномавий баҳолардаги тўғридан тўғри қиймати сифатида бошқа харажатлар ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак. Қурилиш-монтаж ишларининг тўғридан тўғри қийматига доимий коэффицент сифатида қўлланиладиган бошқа харажатлар қийматини иштирокчи мустақил равишда белгилайди ва ишлар қийматига киритади.

7.2. Иштирокчи объект қурилиши (реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш)нинг шартномавий нарҳини белгилашда қўлланилган қурилиш материалларининг нарҳлар ва компонентлар жадвалини тўлдиради. Бунда қурилиш материаллари турини тендер ҳужжатларида Ф-5 шаклидаги (локаль ресурс қайдномаси) рўйхатдан олади ва пудратчи томонидан мустақил тендер предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб тўлдиради.

Ҳар бир аниқ объект асосий қурилиш материаллари номенклатураси (расмий рўйхати) объект қийматининг 100 % ини (лойиҳада назарда тутилган) ташкил этувчи қурилиш материалларини ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади.

7.3. Оферент объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нарҳлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

7.4. Тендерда белгиланган қурилишнинг нарҳи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буюртмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири, қурилишнинг бир йилдан ортиқ давомийлиги) бундан мустасно.

7.5. Шартнома нарҳини иккинчи ва кейинги йилларга мувофиқлаштириш асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нарҳлари ўзгарганда қонунчиликда белгиланган тартибда олиб борилади.

VIII. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНING АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

8.1. Тендер таклифининг амал қилиш даври тендер таклифлари очилган кундан бошлаб 10 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

8.2. Алоҳида ҳолларда таклифнинг бирламчи амал қилиш даври тугаш вақтигача тендер ташкилотчиси тендер иштирокчилари билан таклифнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида келишиши мумкин, келишув ёзма шаклда расмийлаштирилган ҳолда.

IX. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

9.1. Тендер иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг аслининг сканерланган варианты электрон тарзда белгиланган критерияга мувофиқ тақдим этиши керак.

9.2. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Тендер ташкилотчиси хабарномасига мувофиқ киритилган ёки тендер иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно. Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

9.3. Тендер комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлар ёки муқобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Тендер ҳужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар тендер таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

X ТЕНДЕР ТАКЛИФНИ БЕРИШ

10.1. Таклифлар тендер ташкилотчисига ТАЖда кўрсатилган тартибда, ўз муддатида ва манзил бўйича тақдим этилиши керак.

10.2. Дастлабки малака танлови орқали тендер ўтказилганда (мазкур йўриқноманинг 1.2 бандига ва ТАЖга қаранг) дастлабки малакани ўтказиш санаси тайинланади (ТАЖга қаранг).

10.3. Буюртмачи тендер комиссияси билан келишган ҳолда таклиф бериш муддатини узайтириши мумкин. Бу ҳақида тендер ташкилотчиси иштирокчиларга хабарномалар орқали билдиради.

10.4. Оферта тендер ташкилотчисига тақдим этилгандан сўнг, у оферта қабул қилинганлигини алоҳида қайд этиш китобида рўйхатга олади.

10.5. Буюртмачи томонидан лойиҳа ҳужжатлари тендер иштирокчисига мазкур йўриқноманинг 5.3-банди талабларига асосан тақдим этилмаган ёки рад қилинган ҳолларда тендер иштирокчиси тендер таклифини топшириш муддатини узайтириш ҳақида тендер ташкилотчисига мурожаат қилиши мумкин.

10.6. Юқоридаги бандда қайд этилган ҳолат рўй берган ҳолларда тендер ташкилотчиси, буюртмачи билан келишган ҳолда, иштирокчи буюртмачидан лойиҳа ҳужжатларини олганлиги ҳақидаги далолатномани қабул қилган кундан бошлаб, энг камида 5 кун муддатга тендер таклифини топшириш муддатини узайтириши мумкин.

XI. ТЕНДЕР ТАКЛИФНИНГ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

11.1. Таклиф берилганидан кейин иштирокчи тендер таклифига ўзгартиришлар киритиши ёки уни ҳисобдан чиқариши мумкин, шу шарт биланки, ушбу ўзгартиришлар ёки таклифни ҳисобдан чиқариш хабари таклифларни бериш муддати ичида ёзма равишда тендер ташкилотчисига тақдим этилган бўлса.

11.2. Таклифлар бериш муддати тугагандан кейин таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

XII. ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ ОЧИШ ВА БАҲОЛАШ

12.1. Тендер буюртмачининг манзилида ўтказилади, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

12.2. Таклифлар etender электрон платформасидан ТАЖда кўрсатилган критериялар бўйича олинган электрон таклифлар билан танишади

12.3. Йиғма жилдлар таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек тендер ғолибини аниқлаш ёпиқ йиғилишларда амалга оширилади. Тендер таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

12.4. Тақдим этилган таклифларнинг очилгунга қадар бутлиги учун жавобгарлик тендер ташкилотчиси зиммасида бўлади.

12.5. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифларни баҳолаш даври тендер таклифлари очилган кундан эътиборан узоғи билан 10 кунни ташкил этади.

12.6. Тендер комиссиясининг барча қарорлари электрон балл қуйиш йўли билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

12.7. Малакани баҳолаш ва якуний баҳолаш тендер комиссияси тасдиқлаган ва ушбу йўриқноманинг иловаларида кўрсатилган баҳолаш мезонларига биноан амалга оширилади.

12.8. Тендер комиссияси томонидан оферентлар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолда, тендер комиссияси ушбу тендер таклифини рад қилишга ҳақли.

12.9. Тендер комиссияси тендер ҳужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа қатнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

12.10. Тендер комиссиясининг ҳар бир йиғилишида баённома юритилади.

12.11. Тендерга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомаларда қайд этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

12.12. Тендер комиссияси тендер таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳларини тузиши мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг таркибига тендер комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консультантлар (тендер комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин. Жалб қилинган эксперт ва консультантларнинг хизматлари шартнома асосида буюрмачи томонидан тўланиши мумкин. Баҳолаш гуруҳларининг аъзолари тендер комиссияси аъзолари каби тендерни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир қонунчиликка ва мазкур тендер ҳужжатлари талабларига риоя этиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

ХIII. ТАКЛИФЛАРНИ ТУШУНТИРИШ

13.1. Тендер комиссияси таклифларни баҳолаш ва таққослаш учун таклифни тендер комиссияси мажлисида кўриб чиқиш вақтида оферентлардан таклифлар мазмунига тушунчалар беришни телефон орқали сўраши мумкин. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

ХIV. ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

14.1. Оферентни талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг офертасида тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.

14.2. Оферентлар таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган тендер таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади. Ўрганиш натижалари бўйича баҳолаш гуруҳи аъзолари тендер таклифларининг баҳолаш варақларини тўлдиришади (техник баҳолаш варағи ТАЖда алоҳида иловаларда намунавий жадвалда тақдим этилади).

14.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш варағи қуйидаги шаклда тўлдирилади:

ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВАРАҒИ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

Т /р	Параметрлар номи	Шакл	Максимал балл	Оферентлар		
				5	6	7
1	2	3	4	5	6	7
1	Тендер буюртмасини таъминлаш кафолати (1-шакл) ёки буюртмачи белгилаган ва тендер комиссияси тасдиқлаган миқдордаги пул маблағларини (объект бошланғич қийматининг 0,5%гача ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса) буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан тендерда иштирок этиш буюртмасини таъминлаш ёки тўлов топшириқномаси нусхаси, ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса.	1-шакл	Изоҳга қаранг			
2	Оферент ҳақида умумий маълумотлар	2-шакл	19			

3	Оферент охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг ҳулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан) Тендер иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот	3-шакл			
4	Тендер иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар	4-шакл	34		
5	Керакли айланма маблағларни (буюртмачи белгилаган объектнинг бошланғич қийматидан 20% га етмаётган) тақдим этиш ҳақидаги банк кафиллиги ёки оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган объектнинг бошланғич қийматининг 20%дан кам бўлмаган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома	5-шакл			
6	Тендердаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси	6-шакл	25		
7	Ишларни бажаришда фойдаланиладиган оферентнинг машина ва механизмлари рўйхати	7-шакл	20		
8	Оферент тендер вақтида иштирок этаётган ва мазкур тендернинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳақида маълумот	8-шакл	Изоҳга қаранг		
9	Курилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома	9-шакл	2		
Жами балл			100		

Изоҳлар:

Оферент баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа (келгусида – ўтиши баллари), тендер комиссияси аъзоларининг овози қариши ҳисобланиб, техник жиҳатдан малакаси етарли эмас деб ҳисобланади, агар ТАЖда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

Таклиф қуйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди ва ҳужжатларнинг 2-йизма жилди очилмасдан оферентга қайтарилади:

- агар таклиф тендер комиссиясининг овоз бериши натижаларига кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса;

- 1, 3, 4, 5 ва 8 шакллар мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса.

Агар шартномани тузиш мўлжалланаётган сана вақтига баҳолаш мезонларига биноан лойиҳани амалга ошириш учун керакли барча машина ва механизмлар бошқа объектларда ишга жалб қилинадиган ҳолларда 7-шакл баҳоси 0 га тенглаштирилади. Бошқа ҳолларда баҳолаш интерполяция йўли билан амалга оширилади.

2, 3, 6, 7, 9-шакллар мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади.

Оферент ташилотнинг раҳбари бўлмаган ёки 10-шаклда келтирилган шакл бўйича ишончномага эга бўлмаган оферент вакили тендерда ҳозир бўлишга ва тендер таклифини (офертани) имзолашга ҳақли эмас.

10-шакл мавжуд бўлмаса тендер таклифи ва келгусида буюртмачи ва тендер золиби ўртасидаги пудрат шартномасини фақат оферент ташилотнинг раҳбари имзолаш ҳуқуқига эга.

14.5. Баҳолаш гуруҳи тузилган ҳолатда тендер комиссияси аъзоси баҳолаш гуруҳининг тавсиялари асосида қарор қабул қилишга ҳақли.

14.6. Тендер комиссияси оферентнинг интеллектуал мулкига ва тижорат сирига тажовуз қилишга ҳаққи йўқ.

XV. ТЕНДЕР ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ВА ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ

15.1. Тендер ғолибини аниқлаш etender.uzex.uz электрон платформасида автоматик тарзда аниқланади ва эълон қилинади.

15.2. Тендер ғолибига электрон платформа орқали таклифни қабул қилинганлиги ҳақидаги хбвр қилинади ва тендер яқунланганлигидан беш кун ичида пудратчи ташкилот билан шартнома тузилади, электрон платформага жойлаштирилади.

15.3. Пудрат шартномасини тендер ғолибига берилгани юзасидан тендер комиссиясининг қарори охириги ҳисобланади ва муваффақият қозонмаган оферентлар билан кейинчалик бу масала бўйича баҳс ва мунозаралар ўтказилмайди.

15.4. Агар ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунини давомида ғолиб ТАЖДа кўрсатилган шакл ва сумма бўйича пудрат шартномасини имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

15.5. Пудрат шартномаси, қурилиш пудрат ташкилотларининг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, тендер ҳужжатларида назарда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖГа қаранг).

15.6. Агар тендер ғолиби мазкур тендер ҳужжатларида назарда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, тендер комиссияси билан биргаликда, офертаси захирадаги ғолиб бўлган оферентни тендер ғолиби деб топиши ёки такрорий тендер ўтказишни тайинлаши мумкин.

15.7. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур тендер ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош торган тақдирда, ғолиб хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

15.8. Тендер ғолиби қурилиш (реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш) суғуртасини қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлайди.

15.9. Тендер натижалари буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига маълумот киритгандан сўнг тендер яқунланган ҳисобланади.

15.10. Буюртмачи Қурилиш вазирлиги билан келишилган кундан кейин беш кунлик муддат ичида оммавий ахборот воситаларида тендер натижалари (предмети, ғолиби, шартномавий нархи ва инвестицион лойиҳани бажариш муддати) ҳақида эълон чоп этади.

15.11. Тендер натижаларига кўра эркин муомаладаги валютада тузилган шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

15.12. Буюртмачи ва Пудратчи (тендер ғолиби) ҳар ойда томонларнинг тендер талабларини бажарилиши ҳақидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига белгиланган тартибда тақдим этишга мажбур.

8.	Тендер буюртмасини таъминлаш кафолатининг амал қилиш муддати:	<i>Тендер буюртмасини таъминлаш кафолатининг амал қилиш муддати тендер таклифини очии кунидан 60 кун давомда кучда қолади ва ушбу билан боғлиқ ҳар бир сўров юқорида кўрсатилган муддат ўтмасдан банкка бериб юборилади.</i>
9.	Тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	-
10.	Тендерда иштирок этишга қуйидаги иштирокчиларга рухсат этилади:	<ul style="list-style-type: none"> - кайта ташкил қилиш ҳолатида булмаган, мулки хатланмаган, тугатиш арафасида ёки банкротлик ҳолатида булмаган, шунингдек бир-бири билан ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий боғлиқлиги, тасисчилик актлари, молиявий катнашиш, холдинг ва бошқа боғлиқлик болмаслиги лозим; - тендер эълон қилинишидан 6 ой олдин ташкил қилинган булиши; - буюртмачи билан суд ёки арбитраж аралашуви ҳолатида булмаган; - агар лицензияси бор булса (агар ТАЖда талаб қилинган булса); - солиқ имтиёзлари, молия операцияларини бажаришда очик маълумотлар такдим қилмайдиган (оффшор зона) давлат ёки ҳудудларда руйхатдан утмаган булиши, шунингдек оффшор ҳудудларда жойлашган норезидентларнинг ҳисобида булмаган; - ноинсоф бажарувчилар Ягона реестрида булмаган; - «ССС» ва ундан юқори рейтингга эга бўлган қурилиш ташкилотлари; - солиқ ва бошқа мажбурий туловлар буйича муддати утган қарздорлиги мавжуд булмаслиги; - тендерда юридик шахсларнинг бирлашуви (консорциумлар) катнашишига йул қуйилмайди.
11.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	<i>Талаб қилинмайди</i>
12.	Иштирокчиларнинг тендер ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати:	<i>Тендер таклифларини такдим этишининг сунги муддати тугашидан камида 2 кун олдин.</i>
13.	Тендер таклифларини такдим қилиш муддатлари:	<i>Тендер таклифларини такдим қилишининг сунги муддати 2022 йил «__» _____ кунига белгиланган.</i>
14.	Тендер ҳужжатининг тили:	Узбек тилида
15.	Тендер таклифининг амал қилиш муддати:	<i>Тендер таклифларини такдим қилишининг сунги муддати тугатилган кундан бошлаб 60 кундан кам булмаслиги керак.</i>
16.	Тендерда иштирок этиш учун талаб	<u>13 030 428,600 минг сўм</u> (объект қийматининг

	қилинадиган айланма маблағлари миқдори:	20% миқдорида).
17.	Банк кафилигининг амал қилиш муддати:	<i>Буюртмачи ва пудратчи уртасида шартнома имзоланган кундан эътиборан 90 кундан кам бўлмаслиги лозим.</i>
18.	Тендер предметининг объектида ишлатиладиган оферентнинг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари:	<i>Баҳолаш мезонларининг V бўлимининг 1 банди. Машина ва механизмлар рўйхати, 7 – шакл курсатилиши керак</i>
19.	Қўшимча ҳужжатлар рўйхати:	<ul style="list-style-type: none"> - солиқ қарзи ва бошқа мажбурий тўловларнинг йўқлиги тўғрисида ваколатли органдан маълумотнома; - иштирокчи юклатилган банкротлик тартиб йўқлиги ҳақида ваколатли органдан маълумот; - иштирокчининг иштироки ёки суд жараёнида режалаштирилган иштироки ҳақида маълумот; - лицензиянинг мавжудлиги (агар ИТТда тақдим етилган бўлса); - «ССС» ва ундан юқори рейтингга эга бўлганлиги; - иштирокчининг таъсис ҳужжатлари
21.	Тендер таклифларини очиш манзили:	Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани, “Елабад” ПФЙ “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ ҚҚ.
22.	Тендер таклифларини баҳолаш муддати:	Таклифларни баҳолаш даври тендер таклифлари қабул қилиниши яқунланган кундан узоғи билан 10 кун ичида амалга оширилади.
24.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	Буюртмачининг нархи: - 65 152 143,0 минг сум. ҚҚС билан бирга.
25.	Буюртмачи томонидан белгиланган қурилиш муддати	180 кун
26.	Молиялаштириш манбаи:	“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ ҚҚ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
27.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	<u>бўнак (аванс) – тендер натижаларига кўра аниқланган, қурилишнинг жорий йилидаги ишлар қийматининг 30 фоизи (15+15)% миқдорида; жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, пропорционал ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизи миқдорида; қолган 5 фоизи – фойдаланишнинг кафолатли муддати тугагач.</u>
28.	Шартнома тили:	<i>Ўзбек тили</i>
29.	Шартнома валютаси:	<i>Ўзбекистон суми</i>